



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 204 (12.265)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осий чемпионатида галиб бўлди. Юртимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, футбол жамоатчилиги, журналистлар, ота-оналар ва мухлислар тантанали кутиб олди.



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган сурат

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди тарбияланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаётди.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тузилган Футболни кўплаб-қувватлаш жамоаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот мактанларини бунёд этиш, футбол мактабларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малякали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш – доимий эътиборда.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг кетма-кет икки маротаба – 2010 йили Тошкентда, бу йил Теҳронда ўтган футбол бўйича Осий

чемпионатида финал учрашувида иштирок этгани ва жаҳон чемпионатларига йўлланма олгани болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилётган аниқ дастурларнинг ҳаётий самарасидир.

2013 йили Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланма берувчи ягона турнир – Осий чемпионатида қитъамизнинг 37 терма жамоаси ФИФА аҳдатган тўрт йўлланма учун баҳс олиб борди. Саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтган 16 терма жамоа Эрондаги қитъа чемпионатининг финал қисмида тўп сурди. «D» гуруҳида Хиндистон, Хитой ва Сурия ўсмирлар терма жамоалари билан рақобатланган ёш футболчиларимиз тўрт очко билан чорак финалга чиқди.

Чорак финалда ҳамюртларимиз чемпионлига асосий даъвогарлардан ҳисобланган Жаңубий Корея футболчиларини пенальтилар сериясида енгиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Ярим финалда мусобақа меъзоми – Эрон ўсмирлар терма жамоаси 3:2 ҳисобида мағлуб этилди. Финалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Япония вакилларига қарши майдонга чиқди. Уйин рақиб жамоа учун омадли бошланиб, Такума Мизутани 6-дақиқада ҳисобни очди. Аммо ўсмирларимиз кучли ирода, катта спортчиларга хос характерни намойиш этиб, ташаббусни ўз қўлига олди. Иккинчи бўлимда Ақобир Тўраевнинг голи эвазига ҳисоб тенглаштирилди.

Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида яқунлангач, голиб пенальтилар сериясида аниқланди. Унда 3:1 ҳисобида зафар қучган Ўзбек футболчилари илк маротаба Осий

Яқинда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Италиянинг ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Римда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ КўПЛАБ ДАВЛАТЛАРИ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧУН ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТДИР»

Тадбир чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ҳамда уларнинг кенг қўламли самаралари тўғрисидаги атрофлича маълумотлар маросим иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Бунда мамлакатимизнинг бой сарможий салоҳияти, «Навой» эркин индустриал иқтисодий зонаси ва «Ангрен» маҳсус индустриал зонасида хорижлик шериклар учун яратилган қулай шарт-шароитларга алоҳида урғу берилди.

Қабул маросими иштирокчилари қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон халқига ўзларининг илиқ ва самимий тилакларини изҳор этишар экан, истиклолнинг 21 йили давомида мамлакатимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларида юксак натижаларга эришганини эътироф этдилар. Шунингдек, тадбир меҳмонларининг фикр билдиришлари-ча, Ўзбекистон халқаро шериклик, минтақадаги тинчлик ҳамда барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўлида ҳам фаол ва изчил савий-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Италия парламентининг депутати А.Гилья таъкидлаганидек, Ўзбекистон истиклол йиллари давомида кўплаб соҳаларда салмоqli муваффақиятларни қўлга киритди. Жорий йилнинг июнь ойида Италия ва Ўзбекистон парламентлари ўртасида Хамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши эса ҳар икки мамлакатнинг турли йўналишларда ўзаро яқин ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини тасдиқлайди.

Унинг таъкидлашича, Италия парламенти аъзолари ва бизнес соҳаси вакилларида иборат делегациянинг Тошкентга ташрифи чоғидаги тадбирлар юқори даражада ташкил этилгани ҳамда Ўзбекистон – Италия бизнес-анжуманининг ўтказилгани Ўзбекистон томонидан Италия билан кўп қиррали муносабатларга қаратилган алоҳида эътибордан далолат беради.

Геосийёсий тадқиқотлар ва амалий фанлар институтининг директори Т.Грациани тарихан қисқа муддат мобайнида Ўзбекистон минтақининг муҳим давлати ва у ердаги барқарорлиқнинг кафолатига айланганини қайд этди. «Бундан ташқари, мамлакатининг иқтисодий салоҳияти ва бизнес учун яратилган шарт-шароитлар ҳисобга олинган экан, Ўзбекистон бозори кўплаб мамлакатлар, жумладан, Италия ишбилармонлари учун ҳам жозибадор ҳисобланади», деди у.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжмаъси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вази́рлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ахборот технологиялари ассоциацияси томонидан 2012 йил 10-12 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» марказий павильони ва Халқаро бизнес марказида «Ўзбекистон матбуоти» II миллий форуми ва кўргазмаси ўтказилади.

Мазкур анжуманлар Президентимиз Ислам Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу йўналишда иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эриш-

ган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислох қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» МИЛЛИЙ ФОРУМИ ВА КўРGAЗMАСИ

оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малякасини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан маълум қилишларича, 1994 йилда Ўзбекистонда оммавий ахборот

воситалари сони 475 тани ташкил этган бўлса, ҳозиргача уларнинг сони 1292 тага етди. Уларнинг 514 таси нодавлат босма нашрлардир.

Кейинги ўн йилда босма оммавий ахборот воситалари сони икки маротаба кўпайди. Бугунги кунда мамлакатимизда 715 тага яқин газета, 263 журнал, 4 ахборот агентлиги фаолият юритмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўргазмасининг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимизда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлари савий-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти ривожига қўмаклашишдан иборат.

Форум ва кўргазмада марказий ва ҳудудий нашрларнинг раҳбарлари, матбаа корхоналари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Халқаро бизнес марказида ўтказиладиган форумда ахборот соҳасини янада ислох қилиш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш, Ўзбекистон мисолида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда мустақил электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш каби долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўргазмаси доирасида «Йилнинг энг яхши китоби» миллий кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Денов туманидаги «Шашмоқша-шоб» агросаноат корхонаси томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 1000 тонналик сифимга эга музлатиш камераси бунёд этилди. Мазкур лойиҳа банк томонидан ажратилган 630 миллион сўмлик кредит эвазига амалга оширилди. Айти пайтда агросаноат фирмаси жамоаси йиғиб-териб олинган кузги ҳосилни жамғаришга киришганлар. Бу ерда сақланаётган маҳсулотлар экспортга ҳам чиқарилиши кўзда тутилган. Таъкидлаш лозимки, вилоятда жорий йилда манзилли ҳудудий дастурга мувофиқ 4 минг тонналик яна 6 та ана шундай омборхона ишга туширилади.

- Нуроталик тадбиркор Фаарида Назарова болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Олмос либослари» хусусий корхонасини ташкил қилди. Мазкур лойиҳа банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди.

- Кўқон шаҳар марказий шифохонасида кенг қўламли реконструкция тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, ушбу муассаса замонавий тиббиёт жиҳозлари билан ҳам таъминланди. Бунёдкорлик ишларига 3,4 миллиард сўм сарфланди.

- Андийжон вилояти ўлкашўнослик музейида «Ўзбекистон – аҳил оила» номли фотоқўргазма ўтказилди. Унда намоийш этилаётган суратларда ҳудуддаги қатор маданий марказлар фаолияти, турли миллат ҳамда элатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳити акс эттирилган.

ЖАҲОНДА

- Бангкокда тинмай ёғаётган ёмғир оқибатида сўнги эллик йил ичидаги энг кучли сув тошқини юзага келди. Синоптикларнинг фикрича, мамлакатдаги ёғингарчилик миқдори хавфли кўрсаткичга етган. Шаҳарнинг кўплаб туманлари сув остида қолган. Йўлларда автомобиллар ҳаракати тўхтатилган, маҳаллий аҳолини хавфсиз ерларга кўчириш ишлари давом этмоқда. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, 2011 йили мазкур давлатдаги Чаупх-рая дарёси сатҳининг кўтарилиши оқибатида Бангкок маркази сув остида қолган эди. Ушанда табиий офат қарийб саккиз юз кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган.

- Чехиянинг Табор шаҳрида ширинлик ва шоколадлар музейи очилди. Шаҳар марказида жойлашган ушбу музейнинг майдони минг квадрат метрни ташкил қилади. У ерда нафақат ширинликларни томоша қилиш, балки таъкид қилиш имконияти ҳам мавжуд. Музей ходимлари бу ерга ташриф буюрувчиларга шоколад тарихи, унинг турлари ва тайёрлаш усуллари ҳақида сўзлаб берадилар.

- «Эпл» компанияси янги турдаги «Ай-пэд-мини» планшетларини ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Мазкур планшет «Ретина» ҳажмидаги экран билан қопланади. Бу эса тасвирни 3,1 миллион пикселда кўриш имкониятини беради. Октябрь ойининг ўрталарида сотувга чиқарилиши режалаштирилган бундай планшетлар 200 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

- Япония ҳудудида илк марта нефть кони топилди. «Japan Petroleum Exploration» компанияси лойиҳасига кўра қидирув ишлари олиб борилган ушбу кон мамлакатнинг Акита префектурасида топилган. Компания вакиллари айтишича, мазкур коннинг нефть захираси тахминан беш миллион баррелга тенг.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

- ✓ **КЕЧА** Тошкент солиқ ва Чилонзор тиббиёт коллежларида дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ва оммавий маданият унсурларининг олдини олишга қаратилган «Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажакимизга таҳдид» мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилди.
- ✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Адлия вази́рлиги томонидан Мил-

лий матбуот марказида «Оила қонунчилигини такомиллаштиришдаги масалалар ва уларнинг ечимлари» мавзусида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

- ✓ **АЛИШЕР НАВОЙ** номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ўзбекистон меъморий обидаларидаги битикларнинг миллий маънавият ва Шарқ тамаддуни шаклланиши ҳамда равнақидаги мавқеи, ўрни ва улкан ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

- ✓ **АЛИШЕР НАВОЙ** номидаги

Шанхайда нашр этиладиган «Дунфан Цзаобао» газетасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти мавзусига бағишланган салмоқли мақола босилиб чиқди.

Мақола муаллифи – Фудан университетининг Россия ва Марказий мамлакатларини ўрганиш маркази директори Чжао Хуашен нашр ўқувчиларини мамлакатимизнинг ушбу соҳада эришган муваффақиятлари билан атрофлича таништирар экан, ҳозирги пайтда кичик бизнес Ўзбекистон миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётганини қайд этади. «Айни пайтда мамлакат ялпи ички маҳсулотига бу жабҳанинг ҳиссаси 50 фоиздан зиёдни ташкил қилмоқда», деб ёзади у.

Мақолада алоҳида таъкидланганидек, «Ўзбекистон ҳукумати кейинги йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил қўллаб-қувватлашга интилгани ҳолда қатор самарали чора-тадбирлар кўрмоқда. Иқтисодий сиёсат рағбатлантирилишини назарда ту-

«ДУНФАН ЦЗАОБАО» ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

тувчи, яъни ушбу соҳага алоқадор қонунчилик заминини, маъмурий тартиб-қоидаларни такомиллаштириш, жойларда уларнинг ижросини таъминлаш сингари тадбирлар ана шулар жумласидандир. Кўриниб турибдики, булардан кўзланган мақсад аниқ – жабҳада янада қулай ва жозибали шарт-шароитларни яратиш. Чунки кичик бизнеснинг янада ўсиши ҳамда барқарор ривожланиши ўзбек халқи фаровонлиги кафолати ва гаровидир».

Чжао Хуашеннинг қайд этишича, яхши ишлаб чиқариш базаси ҳамда бой салоҳиятнинг мавжудлиги кичик ва хусусий корхоналар сонининг борган сари кўпайишига кўмаклашди. Шу ўринда муаллиф мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларидаги истиқболлари хусусида фикр юритар экан, бу тармоқларда маҳсулотни ҳар томонлама қайта ишлаш йўлга қўйилгани ҳам кенг истеъмолчилик бозорини ривожлантириш, шунинг-

дек, кичик ва хусусий бизнеснинг гуллаб-яшнаши учун муҳим асос эканлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан ташқари, хитойлик эксперт газета ўқувчиларини Ўзбекистоннинг анъанавий халқ амалий санъати борасида ҳам бой тажрибага эга эканлиги билан таништирар экан, моҳир ўзбек хунармандлари нақшинкорликда, ёғоч ўймакорлиги, ипакчилик, сополдан буюмлар тайёрлаш, заргарлик, мусика асбоблари ясада ном қозонганини қайд этади.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасининг шитоб билан ривожланиётгани мавзуси, жумладан, Тошкент – Самарқанд темир йўли йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий поездлар қатнаётгани ҳам мақола муаллифининг эътиборидан четда қолмаган. Унинг фикрича, бу соҳадаги ўзгаришлар ўзбек темир йўлчиларининг хитойлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик муносабатлари мустақамла-нишида янги истиқболларни очади.

«Жаҳон» АА

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРИ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧУН ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Италия Иқтисодий тараққиёт вазириликнинг дипломатик маслаҳатчиси Д.Манчинининг фикр билдиришича, Ўзбекистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш борасида том маънодаги амалий саъй-ҳаракатларни рўйбга чиқармоқда. «Республикангиз бозори ва сармовий салоҳияти ишбилармон доиралар вакилларининг эътиборида, шу боис италиялик тадбиркорлар Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликка тобора кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда», деди у.

Италия Ташқи ишлар вазириликнинг Протокол хизмати бошлиғи С.Ронка ўз мамлакатини ташқи сиёсат маҳкамаси ходимларининг табрикларини билдирар экан, вазирилик раҳбарияти минтақадаги барқарорликни таъминлаб турган муҳим давлат ҳисобланадиган Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Ўз навбатида, «Италия – Ўзбекистон» савдо палатасининг президенти Л.Иперти Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий тараққиёти ҳамда мамлакат ҳукумати томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар янада яқин иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган италиялик тадбиркорларни ўзига тобора кўпроқ жалб этаётганини айтди.

Қатор сайёҳлик компаниялари раҳбарларининг фикр билдиришича, Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳамда кўплаб тарихий ёдгорликлар ва жадал ривожланаётган сайёҳлик индустриясига эга бўлган Ўзбекистоннинг Италия жамоатчилиги орасидаги мавқеи йил сайин ошиб бормоқда.

Римда бўлиб ўтган маъмур тантанали маросим доирасида Ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Тадбир доирасида намойиш этилган республикамизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА
Рим

Анжуманлар

ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, замонавий касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш, ёш авлодни касбга йўналтириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастурий вазифаларидан бири саналади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус билан бир қатор вазирилик, идоралар ва тижорат банклари ҳамкорлигида ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўриш мумкин.

Кунни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжумани бу борада Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режа ва вазифаларга бағишланди.

Анжуман давомида Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Жумладан, Ҳаракатнинг ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини 5 та асосий йўналишида олиб бораётгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Булар – ёшларни касб-хунарга йўналтириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларига кўмаклашиш, ёш тадбиркорларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг бизнесини ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ахборот кўмағи кўрсатиш ва турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ҳаракат томонидан мактаб битирувчиларини кейинги ўқув тизими билан таништириш, касб-хунар танлашларида кўмаклашиш мақсадида «Мутахассислик – сенинг келажагинг» кўргазмаси ташкил этиб келинмоқда. Шунингдек, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирилик билан ҳамкорликда вақтинча ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 18 мингдан ортиқ ёшларнинг ишга жойлаштиришга кўмаклашган қўллаб-қувватлаш «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ташкил этилди.

Ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишларини эътиборга олган ҳолда «Ёшлар ижтимоий хизматлари» қошида 22 та «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ҳамда микроомиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида Ҳаракат Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Агробанк» ОАТБ, «Асака банк» ОАТБ, Ўзбекистон агросаноат мажмуи касаба уюмаси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳукумат қарорларини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб бориш мақсадида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан махсус сайт фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳаракатнинг меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлари нафақат мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлаш, балки соҳага малакали кадрларни кенг жалб этиш, уларга инновацион гояларини амалга оширишга кўмаклашиш, меҳнат билан банд бўлган ёшлар орасидан ижтимоий-сиёсий фаол, табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган кадрларни излаб топиш ва тарбиялаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга хизмат қилишга эътибор қаратиб келади.

Башорат ЭРҲАШЕВА



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида давлат органларининг расмий сайтларини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Қарор ва ижро

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўмитанинг ахборот маркази ташкил этилиб, веб-сайтнинг янги, такомиллаштирилган варианты яратилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида ушбу веб-сайт тақдиротига бағишлаб ўтказилган тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммаджонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофиза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва маънавиятини бойитиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган янгиликлар ва ислохотлар самараларини хотин-қизларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий билиминини бойитишда замонавий ахборот технология-

лари имкониятларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда кўмитанинг www.wcs.uz расмий веб-сайти модернизация қилинди. Қўллаб-қувватлаш ва руҳлар ташкил этилди.

Жумладан, сайтнинг бош саҳифасида юртимиз ва хориж ҳаётига оид янгиликлар, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги ахборотлар мунтазам бериб борилади. Маданий-маърифий, тиббий-ижтимоий, ҳуқуқий мавзулардаги материалларга кенг ўрин берилди.

Янги веб-сайтта мурожаатларни электрон шаклда қабул қилиш ва жавоб йўллаш тартиби жорий этилган хотин-қизларга кенг қўлайликлар яратади. «Сайт меҳмони» рундида турли соҳаларда фаол меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳаёти ва фаолияти, Зулфия номидаги давлат муқофоти совриндорлари ҳақида маълумотлар бериб борилади.

Йиғилишда сайтни янада такомиллаштириш, унинг хорижий тиллардаги ва мобил версияларини яратиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан таълим тизимида амалга оширилган улкан ислохотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалби, онига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллик ҳисси, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш, ёшларни ҳар томонлама билимли, юксак маънавиятли, мустақкам иродали, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак интеллектуал салоҳият соҳиби этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирлар

ТИНЧЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Мамлакатимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборатдир. Олмазор туманида жойлашган қурилуш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида ўтказилган «Маънавиятга таҳдид – ўзлимизга таҳдид» мавзусидаги давра суҳбатида дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ва оммавий маданият унсурларининг олдини олиш ҳақида сўз юритилди. Давра суҳбати Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан ташкиллаштирилди.

Тадбир давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказининг услубчиси Нодир Хамроевнинг дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ва оммавий маданият унсурларининг олдини олишга қаратилган «Маънавиятга таҳдид – ўзлимизга таҳдид» ва туман бош отиноийси Азиза Аҳмедованинг «Маънавият ва ислом» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди, – дейди Азиза Аҳмедова. – Ёшларнинг маънавий тарбияси, ота-оналари олдидаги бурни

ҳамда уларга таълим бераётган устоз мураббийларга бўлган ҳурмат юқори бўлиши лозимлигини уларга ўқитиб боришимиз жуда муҳимдир. Ўқувчиларнинг, айниқса қизларнинг одоби, шарқона ибод-ҳаёси, кийиниш маданияти, муомаласига катта эътибор қаратишимиз лозим.

– Ҳар бир киши ён атрофида бўлаётган воқеалардан огоҳ бўлиши, тинчликнинг қадрига етиши керак, – дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказининг услубчиси Нодир Хамроев. – Мамлакатимиз мустақиллигини, эришяётган ютуқларимизни кўролмаётган қабиҳиятчи кучларга қарши курашимиз лозим. Турли хил оқимлардан эҳтиёт бўлиб, маънавиятимизни юксалтиришга ҳаракат қилишимиз муҳимдир.

Тадбир сўнггида коллеж ўқувчилари томонидан берилган саволларга маърузачилар тўлиқ ва батафсил жавоб беришди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2012 – 2014 йиллар учун тармоқ келишуви имзоланди. Жойларда ҳам янги келишувлар ва жамоа шартномалари тузиш ишлари давом эттирилмоқда.

«Радиоалоқа, радиолаштириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси телерадио минора ва мачталарнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга киришилди.

— Бугунги кунда марказнинг 9 худудий филиалидаги объектларда ва 3 радиостанцияда 140 га яқин турли баландикдаги ва турдаги минора ҳамда мачталар мавжуд, – дейди марказ мутахассиси С. Усмонов. — Уларнинг аксарияти 1960-90-йилларда қурилган эди. Ҳозирда Косонсой РТСда 38 метрли, Бекобод РТСда 65 метрли миноралар бунёд этилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан бегараз ажратилган маблағга 7 та минора ва мачталар бўялди. Шунингдек, 10 га яқин иншоотни тубдан таъмирлашга киришилди.

Дилсўз ХУСАНОВА

ЭКОҲАРАКАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон Экологик ҳаракати саъй-ҳаракати билан қатор янги нашрлар тақдим этилди. Улар орасида «Ўзбекистон табияти» альбом-китоби, «Булоқча» — «Родничок» болалар экологик журнали ажралиб турибди.

«Ўзбекистон табияти» альбом-китобининг дастлабки Қашқадарё воҳасига бағишланди. Ушбу нашрда матлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёритилганлиги хорижлик китобхонларга юртимиз табиятига оид маълумотлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бундан ташқари экоҳаракат республикамизнинг бошқа вилоятлар табиятига бағишланган шу туркумдаги альбом-китобларни чоп этишда давом этмоқда. Ушбу лойиҳа асосида мамлакатимиз табияти ҳақидаги барча маълумотларни ўзида жам қилган тўпламни чоп этиш режалаштирилди.

«Барқарор тараққиётнинг экологик ҳавфсизлик масалалари» деб номланган китобдан ўқувчилар фойдаланмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ
босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Республика суд департаменти томонидан 03.02.2011 йилги ҳукмга асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 АУ 557 бўлган «Takuma BDA» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 347 277 сўм. 2. 1999 йилда и/ч дав. бел. 10 ТН 482 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 649 488 сўм. 3. 2005 йилда и/ч дав. бел. 10 BD 301 бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 747 277 сўм. 4. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 156 бўлган «HAFEI» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 5. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 АТ 427 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 747 277 сўм. 6. 1996 йилда и/ч дав. бел. 10 АР 697 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 547 277 сўм. 7. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 159 бўлган «HAFEI» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 800 000 сўм. 8. 2000 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 527 бўлган «Газ 3102» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 749 136 сўм. 9. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 429 DAA бўлган «Нексия Сонс» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 748 920 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BF 235 бўлган «BEIQI FOTON SHIDAJ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 616 640 сўм. 11. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 АУ 678 бўлган «Фордленд Шидай ВJ5033V31» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 616 640 сўм. 12. 1966 йилда и/ч дав. бел. 10 W 2103 бўлган «Газ 21 Р» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 749 136 сўм. 13. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 166 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 14. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 239 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 15. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 239 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 16. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 216 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 164 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 18. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 175 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 231 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 235 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 226 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 213 328 сўм. 22. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 229 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 23. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 240 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 167 660 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 229 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 25. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 227 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 214 960 сўм. 26. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 237 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 27. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 165 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 28. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 239 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 29. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 165 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 30. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 239 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 280 сўм. 31. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 230 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 136 сўм. 32. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 174 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 136 сўм. 33. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 236 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 249 136 сўм.

Миробод тумани СИБ томонидан 18.04.2012 йилги 1-973/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 D 594 AA бўлган «Камаз 5410» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 000 000 сўм. 2. 1988 йилда и/ч дав. бел. 10 I 502 бўлган «ТЦ11М-1-20» русумли тиркама ва яримтиркама автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич нархи 10 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 9 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ушбу аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, мажбур автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.



2012 йил 9 ойлик ҳисоботларига аниқлик киритиш ҳамда банк бўлимидаги омонат жамғармангизни таққослаб кўриш мақсадида «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат ни сўраймиз.

«Микрокредитбанк»
Амалиёт бошқармаси
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Лutfий кўчаси, 14-уй.
Телефон: 273-05-80, 142-33-10

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 25 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига кўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 355 817 000 сўм.
2. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 156 925 000 сўм.
3. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 м.кв. бўлган, 5 та хонадан иборат пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 362 031 000 сўм.
4. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Подшобог кўчаси, 61 – 63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи – 1 900 129 000 сўм.
5. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 280 707 000 сўм.
6. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 348 190 000 сўм.
7. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, 1-тор М.Жалил кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 322 729 000 сўм.
8. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 21-уй, 17-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,42 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 46 424 000 сўм.
9. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 185 948 000 сўм.
10. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

мий майдони 336,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 315 873 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 353 568 000 сўм.
12. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Шаллола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 202 844 000 сўм.
13. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 255 151 000 сўм.
14. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 253 586 000 сўм.
15. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.
16. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.
17. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.
18. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.
19. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий майдони 241,81 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй. Бошланғич нархи – 527 113 000 сўм.
20. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 239,4 м.кв. бўлган, 6/5-6/7 хонали уй. Бошланғич нархи – 521 859 000 сўм.
21. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонадонда жойлашган, умумий

майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

22. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 259 150 000 сўм.
23. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.
24. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.
25. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 257 747 000 сўм.
26. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.
27. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, С. Азимов 1-тор кўчаси, 4-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 432 м.кв., умумий бино майдони 467 м.кв. бўлган, пишиқ гиштдан қурилган офис ва савдо дўкони. Бошланғич нархи – 483 190 000 сўм.
28. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Риёзий кўчаси, 17-уй, 18-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,46 м.кв. бўлган, 9 қаватли

уйнинг 1-қаватидаги 2 хонали уй. Бошланғич нархи – 81 971 000 сўм.

29. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий майдони 143,33 м.кв. бўлган, 7 қаватли уйнинг 6-қаватидаги 4 хонали уй. Бошланғич нархи – 248 075 000 сўм.
30. Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 19 январидидаги 739-40/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда савдога қўйилган:
1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уйда жойлашган, умумий майдони 418,0 м.кв. бўлган, 5 қаватли уйнинг 1-қаватининг бир қисмида жойлашган офис, нотураж жой. Бошланғич нархи – 126 562 500 сўм.
- Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Аукцион савдоларида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичага бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Билдириш!

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 11 сентябрь кунги 187-сонидида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги-Сергели кўчаси, Автомажмуа ҳудудида жойлашган 16 ва 20 савдо дўконларининг 2012 йил 16 октябрь кунги аукцион савдоси Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 01-1178/1-сонли хатига асосан тўхтатилди.
2. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 11 сентябрь кунги 187-сонидида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 22В-уйда жойлашган «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси»нинг 2012 йил 16 октябрь кунги аукцион савдоси Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 01-1178/1-сонли хатига асосан тўхтатилди.
3. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 24 сентябрь кунги 196-сонидида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 22В-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси»нинг 2012 йил 23 октябрь кунги аукцион савдоси Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 01-1178/1-сонли хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

